

# ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ҲИЛА

**Ёзнинг жазирама чилласи ўтиб, салқин кунлар ҳам бошланди. Ҳадемай, ўлкамизга куз фасли кириб келади ва ҳаво ҳароратининг пасайиши кузатилади. Ўз-ўзидан аҳоли тураржойлари, корхона ва ташкилотларда иссиқлик энергияси, иситиш тармоқларидан фойдаланишига тўғри келади. Айни пайтда барча ҳудудларда биноларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш қизғин бормоқда. Ҳўш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг бу борада режалари қандай?**

Эл орасида шундай нақл бор: қиш ғамини ёзда Ҳила! Шундай экан, уй-жой фонди, коммунал хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектларини навбатдаги иситиш мавсумига тайёрлаш, куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада жадаллаштириш айни дамдаги муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимиз аҳолисини сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олиш, хусусан, иссиқлик таъминоти йўналишида куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасидаги ишларнинг бугунги кундаги ҳолати, йўл қўйилган камчиликлар ва аҳоли эътирозлари ҳамда муаммоларни ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар иш сифатини кўрсатади.

Аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароит яратишда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш устувор омиллардан саналади. Юртимиз табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда республикамизда иситиш мавсуми октябрь-ноябрь ойларидан бошланиб, келгуси йилнинг март ойида якунланади.

Шунингдек, республика аҳолисини иссиқлик энергияси билан таъминлаш марказлашган, локал ва индивидуал иссиқлик таъминоти тизимлари орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамиз бўйича 14,7 мингдан зиёд кўп хонадонли уйлар марказлашган иссиқлик таъминоти тизими билан қамраб олинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан жорий йилда “Республика ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 июлдан ПҚ-4407сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича соҳавий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мазкур қарорга кўра жорий куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўп хонадонли уй-жойлар аҳоли хонадонлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасалари ва барча объектлар хатловдан ўтказилди. Хусусан, ўтказилган хатлов натижалари асосида жорий йил куз-қиш мавсумида 1 982,2 минг кв/м кўп хонадонли уй-жой



фондининг том қисмини мукамал ва жорий таъмирлаш, 9 445 та кўп хонадонли уйларнинг йўлаклари, 2 840 та ертўлалардаги ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш; 7 216 та код қулфли темир эшикларни ўрнатиш, 2 969 та кўпхонадонли уйларнинг фасад қисмларини таъмирлаш; 48124 п/м ирригация тармоқларини таъмирлаш; 459,7 минг кв/м уй олди ҳудудлари ва кўп хонадонли уйларнинг кириш йўлакларини бетонлаш; 5 309 та уй олди ҳудудларини ёритувчи асбобларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Иссиқлик энергиясини олмаётган кўп хонадонли уйлар сонини аниқлаш ҳамда уйларнинг иссиқлик энергияси билан таъминланиши бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда. Ижтимоий соҳа объектларининг ички иситиш тизимларини текшириш ва созлаш, зарурат туғилганда қувурларнинг алоҳида участкалари ва иситиш асбоблари алмаштирилмоқда, мавжуд қозонхона хўжалигини техник талабларга мослиги тўлиқ ўрганиб чиқилиб, объектлар мукамал ва жорий таъмир-

ланиши режалаштирилганди. Таъмирлаш ва иссиқлик таъминоти соҳасида 44 та марказий, 46 та локал қозонхоналардаги 808 та қозонларни мукамал ва жорий таъмирлаш, 40,6 км иссиқлик тармоқлари мукамал, 590,4 км иссиқлик тармоқларида жорий таъмирлаш, иссиқлик энергиясининг йўқотишларини камайтириш учун 96,8 км иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган мезонлар асосида бевосита кўп хонадонли уй-жой фондларининг техник эксплуатацияси қоидалари ва меъёрларига мувофиқ, уй-жой фондидини техник соз ҳолда сақлаш бўйича ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва маҳалла кесимида, бириктирилган сектор раҳбарларининг бе-

восита иштирокида, қуйидагиларни таъминлаш мақсадида:

- ҳудудларни ободонлаштириш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

- кўп хонадонли уйлارнинг қурилмалари ва муҳандислик жиҳозларининг соз ва узлуксиз ишлаши;

- ёнғинга қарши ва санитар-техник қоидаларга амал қилиш;

- кўп хонадонли уйлارни жорий таъмирлаш ва мунтазам текшириш бўйича хусусий уй-жой мулкдорлари раҳбарлари томонидан ташкилий чоралар кўрилиши;

- уй ички жиҳозларида носозликлар ва содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни бартараф этиш юзасидан кўп хонадонли уйлارни куз-қиш мавсумига тайёрлаш жараёнида дуд-

бўронларни ва вентиляция тизимларини таъмирлаш ва тозалаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги барча мутахассислар саъй-ҳаракатлари республикамиз аҳолисини куз-қиш мавсумида коммунал хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Зеро, ушбу йўналишда кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш ҳар биримиздан мавжуд фазифаларга жиддий ва масъулият билан ёндашиш талаб этади. Унутмайлик, қишли-қировли кунлар яқин.

**Нурбек БЕКМУРОДОВ,**  
**Уй-жой коммунал хизмат**  
**кўрсатиш вазирлиги**  
**Иссиқлик таъминоти**  
**бошқармаси бош**  
**мутахассиси.**

